



ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2021 йил  
10 июль  
ШАНБА  
№ 52 (13405)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ФОРУМ

### Халқаро ҳамкорлик доирасидаги маданий алмашинув



Ҳақиқий маънавият ва маданият соғлом эҳтиёжлар замирида вужудга келади. Маънавият инсонлар да соғлом ижтимоий, жумладан, соғлом моддий эҳтиёжлар шаклланишидан, ўз шахси билан ихтилофга бормай, асл инсоний мавжудлигини таъминлашга хизмат қилувчи ақлий ва ҳиссий муҳитдан, фалсафий, ахлоқий, илмий, бадий ва бошқа маданий қадриятлардан ҳамда шахснинг ижодий фаоллигидан ташкил топади. Шахснинг маънавияти ва маданиятини ривожлантириш учун унинг индивидуал эҳтиёжларини ривожлантириш керак. Шунда кўзланган мақсадга эришиш осонроқ кечади.



1-ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ФОРУМ КУЛЬТУРЫ, ОБМЕН И ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган "Маданий алмашинув ва хорижий тилларни ўрганиш" мавзусидаги 1 Тошкент вилояти форуми давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни яратиш ва юқоридаги мулоҳазаларимизда кўзда тутилган мақсадларга эришишимиз учун дастлабки дастуриламал бўлди. Унда хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганишининг янги усулларини амалга оширишга татбиқ этиш, чет тилларни ўқитиш соҳасида халқаро ташкилотлар, таълим муассасалари ва вилоят ҳокимлиги ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар илгари сурилди. Таълим соҳасидаги тажри-

бали экспертлар иштирок этган форумда онлайн қатнашган Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев барчани ушбу ташаббус билан табриклаб, унинг аҳамияти ҳақида ўз фикрини билдирди. Форумда сўзга чиққан вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятлов ва бошқалар ҳам чет тилларни ўрганишининг афзалликлари ҳақида гапиришди. Шунингдек, тадбирда иштирок этган Халқ таълими вазири Ш. Шерматов ва соҳа мутахассислари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари, соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тушунча бериш билан бирга аҳоли ўртасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва мукамал ўзлаштирилишини таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида чет тилларини

ўқитиш бўйича халқаро миқёсда тан олинган дастурлар ва дарсликларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашди. Айтиш лозимки, тил ўрганиш бўйича аҳолининг барча тоифасига мос келадиган услуб ва тавсияларни ишлаб чиқиш "боғча – мактаб – олий ўқув юрти – корхона" тамойили асосида амалга оширилади. Форумнинг яна бир жиҳати, вилоятдаги мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини қисқа муддатларда инглиз тилига ўқитиш, маллакасини ошириш бўйича фаолият юритаётган таълим лабораториясининг тақдироти бўлди. – Таълим лабораториясида МТТ педагоглари 4 ой давомида инглиз,

рус тиллари, ментал арифметика ва нутқ маданияти бўйича билимларини мустаҳкамлайди, – дейди Зангиота туманидаги 33-мактабгача таълим ташкилоти мудири Ҳилола Дўстмухаммедова. – Ушбу лойиҳа мамлакатимизда ягона бўлиб, ҳозиргача Зангиота, Чиноз ва Тошкент туманидаги МТТларнинг 300 нафардан зиёд ходимлари қайта тайёрланди, уларга сертификатлар берилди. Айтиш лозимки, лаборатория сабогини олишга қизиқувчилар кўпаймоқда. Шунингдек, хорижий тилларни ўрганишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жойларда аҳоли, айниқса, ёшларга қулайлик яратиш юзасидан зарур тақлифлар билдирилди.

## Мулоқот

### ҲАМ саёҳат, ҲАМ тиждорат

Вилоят ҳокими Даврон Ҳидоятлов Туркия Республикасининг Хатай провинцияси ҳокими Лютфи Саваш бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Учрашувда металлургия саноати, савдо-сотиқ, қишлоқ ҳўжалиги, ишлаб чиқариш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари ва истиқболлари муҳокама этилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия президенти раҳбарлигидаги дўстона му-



носабатлари, биргаликдаги саёй-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳадаги ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Шу маънода икки вилоят ўртасида ҳамкорликнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот давомида меҳмонларга худудларнинг ихтисослашуви, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган шароитлар, ички имконият, қурилиш ва бунёдкорликлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Хатай провинциясида темир-пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланган, логистика нуқтаи назаридан Туркиядаги учинчи вилоят ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалигида мева-сабзавот маҳсулотлари, айниқса, цитрус меваларининг 17 фоизи мазкур худуддан экспорт қилинади. Умуман олганда, иқтисоди ва саноат соҳасидаги имкониятлари жиҳатидан мамлакат бўйича еттинчи ўринда туради.

Мазкур делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Искандарун шаҳрининг савдо-саноат палатаси раиси ҳам келган бўлиб, унга 7 мингдан ортиқ хатайлик ишбилармонлар аъзо ҳисобланади. Шунингдек, Антакя шаҳрининг

вилоятида Хатай провинцияси саноат зонасининг филиалини очиб, икки давлат тадбиркорлари ҳамкорлигида ишни ташкил қилиш бўйича тақлиф билдирди. Туркиялик меҳмонлар бу ташаббусни юқори баҳоладди. – Тошкент вилоятига фақат саёҳат учун эмас, балки худуд тажрибасини ўрганиш ва ҳамкорлик қилиш учун келдик, – дейди Хатай провинцияси ҳокими Лютфи Саваш. – Бизнинг тадбиркорларимиз ҳам ўзбекистонлик қардошлар билан бирга янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Учрашувда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни атрофлича муҳокама қилдик. Бизнинг тақлифларимизга берилётган эътибордан мамнунмиз. Таъкидлаш жоизки, мулоқотдан кўзланган асосий мақсад яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, худудлар тажрибасини кенг тарғиб қилиш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга қаратилган.

Учрашув доирасида ҳамкорликнинг ривожлантиришга қаратилган меморандум имзоланди. Абдулазиз МУСАЕВ, УЗА

## Мутахассис минбари

Сўнгги йилларда турли оммавий ахборот воситалари орқали Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан фуқароларнинг бир неча йил кечикиб бўлсада тузилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни олаётгани тўғрисидаги хабар ёки лавҳаларга тез-тез кўзимиз тушиб турибди. Ҳўш, нима учун ўша фуқаролар тузилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни ўз вақтида расмийлаштирмаган?



Тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома боланинг тузилгани, ота-онаси ким экани, унда кўрсатилган фактнинг тўғрилигини тасдиқловчи далил ҳисобланадиган ягона ҳужжатдир. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, ўзига қулай бўлган ФХДЁ бўлими томонидан ёки Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилиши лозим. (Давоми 2-саҳифада)

## Маънавият фестивали Маърифат баҳиш этган УЧ КУН

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимиз бўйлаб уч кун давомида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остида Маънавият фестивали ўтказилди.



## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Б. Аҳмедов ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабида бўлиб, таълим муассасасидаги шарт-шароитлар, янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ҳамда қабул жараёни билан қизиқди. Таълим масканидаги вазият билан танишган вазир ўринбосари муассаса фаолиятини янада такомиллаштириш, янги ўқув йилида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан зарур кўрсатма ва тақлифларини берди.

ОҚЎРҒОН тумани 1-секторидида "Ёшлар дафтари"дагиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 9 нафар хотин-қизга тикув машинаси, 20 нафар ёшга тадбиркорликни бошлатиш учун асбоб-ускуналар тарқатилди. ОҲАНГАРОН тумани ҳокими 2-сектор худудидида маҳаллаларда бўлиб, бу ерда олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ҳамда умумтаълим мактабларидаги реконструкция ишлари билан яқиндан танишди. Жумладан, туман раҳбари "Қуюн" маҳалласидаги 42-умумтаълим мактабидаги таъмирлаш ишларини сифатли ва ўз вақтида якунлаш бўйича қурилиш ташкилоти мутасаддиларига тегишли кўрсатмалар берди.

ҚИБРАЙ туманида тегишли мутахассисликка эга бўлмаган ёшларни касбга ўқитиш бўйича ўқув курслари фаолият олиб бормоқда. Хусусан, туман касб-ҳунар мактаби (собиқ Агротижорат коллежи)да 3 ой давомида тикувчилик йўналишида ўқиб, касбга эга бўлган 11 нафар хотин-қизга махсус сертификатлар топширилди. Маълумот учун, жорий йилнинг 6 ойи давомида 150 нафар ишсиз хотин-қиз ва ёшлар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 6 та йўналиш бўйича касбга ўқитилиб, тегишли мутахассисликка эга бўлишди. УРТА ЧИРЧИҚ туманининг бир неча худудларидаги йўллар туман маҳаллий бюджети маблағлари эвазига таъмирланмоқда. Хусусан, "Учоқли" маҳалласи Ободончилик кўчасининг 650 метр қисмида мукамал таъмирлаш олиб борилиб, асфальт ётқизилди. Эндиликда режа асосида туманининг ички кўчаларида ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманида 30 та маҳалланинг янги бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шу кунларда туманининг "Саксонота" ҳамда Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини бинолари тўлиқ жиҳозланиб, иш бошлаш арафасида. Шунингдек, туманининг бир қатор маҳалла идораси биноларида режа асосида қурилиш ва пардозлаш ишлари ўз якунига етказилмоқда.





Шукроналик

Самар ота ҳақида очерк ёзиб матбуотга тақдим этганимда, ҳали...

Кейинчалик англаб етсам, устозимиз Мажид Самадов уруш деган касофатнинг...

роса 300 қақирим йўл юриб, азим шаҳардаги сихатгоҳга ҳаллослаганча кўтариб...

Самар отанинг орзуси

да, ҳар битта хонасида шу "овознигор" деган савил бор эди-ку.

1970-йиллар оёқлаётган кезлар эди ўшанда. Пулемётчи бўлиб хизмат қилган булунғурлик Самар ота билан...

Ота мени муолажадан сўнг хонасига кўярда-қўймай бошлаб борарди. Ойсара хола ширин лутф билан сўрашар экан...

оғирлиги 5-6 килограмм келадиган, охори бир оз тўкилиб эскирган каттагина радиоприёмникка тушарди.

Ота, хонангизда мана, осма радио бор-ку. Бу каттасини холам эшитадиларми?

Э, нимасини айтасиз, укам, хонангиздан кўпроқ ўзим ишқибозман. Аллоҳнинг марҳамати билан ярим асрлик умрни ортада қолдираман.

Самар ота оқарган сочини бармоқлари билан тараган бўлди. Бир муддат хорғин хаёлга толди.

лимда бир армон яшайди. Ҳозирги ёшлар саводини оширишдан олдиноқ чўнтагини пулга тўлдиришни ўйлаб қолгандек назаримда...

Нафсиламбрини айтганда, бизлар йигитлик пайтимизда кўпам фойда кетидан қувмаганимиз, ўшанда ҳам пул дегани тансиқ нарса эди.



нашганмиз. Қўш ҳўкизи билан ер ҳайдаб, ғалла экардик. У лайтларда техника қаёқда эди. Ҳўзир ёшларнинг қўлида ҳамма нарса бор.

Ука, гапнинг индаллосини айтсам, "Максимка"ни мен елкамда тўрт йил кўтариб юрдим, энди болаларим, набираларим бу ўлим қуролини елкасига олишмасин, дейман.

буюк қудрат — бу илм ва ҳунардир. Илмли, маънавияти соғлом кишиларгина мамлакат шўхратини зиёда қилади...

Самар отанинг эзгу тилаклари, кексалик остонасида туриб ҳам, ундаги ғайрат-шижоат, юртнинг, элнинг эртанги тақдирини борасидаги қўнқачлиги ўшанда мени тамоман сеҳрлаб қўйган эди...

Умр ўтаверар экан. Шу кунгача неча марталаб ғалаба санаси нишонланди. Эҳтимол, бу муддатда юзлаб-минглаб қуроқдошлар ҳақида ажойиб кино асарлар, таъсирчан ҳикоялар, қиссалар, романлар юзага келди.

Яқинда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг етмиш олти йиллигини алоҳида шўқўқ билан нишонладик. Яқинда хур ва озоқ Ўзбекистонимиз мустақиллигининг шонли ўттиз йиллигини хуррам кайфиятда кутиб оламиз.

"Самар ота, Аллоҳнинг улўғ марҳамати ила аллақачонлар юз ёш билан юзлашган бўлсангиз ажаб эмас. Сизга бу дориламон кунларга етиб келиш насиб этмаган бўлсада, армон ва орзуларингиз рўёбини биз, фарзандларингиз қатори бугун қўриб турибмиз.

Собиржон ИНОМОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мактабгача таълим



"Дўстлик" да "Ақлвой" лойиҳаси

Мактабгача таълим соҳасини ислоҳ қилиш давлатимиз диққат-эътиборида турган долзарб масалалардан биридир.

тобуслар негизда болалар майдончасига эга бўлган мобил боғчалар ташкил этилди. Мазкур ташаббус олис ҳудудлардаги 3-6 ёшли болаларни ҳам мактабгача таълимга қамраб олишда самарали усул ҳисобланади.

Мактабгача таълим вазирлиги ташаббуси билан бошланган мобил гуруҳда "Дўстлик" маҳалласи ҳудудига яшаётган болаларнинг эмин-эркин ўсишлари ва тарбияланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Худди шундай ташаббус "Тараққиёт" маҳалласида ҳам йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Пискент тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

Ёз неъматлари

"Қизиқ, шунақа одоб ҳам бор эканми?" деб ўйлашингиз табиий. Мен ҳам бундан ўйладим ва дунёвий тармоқда излаб кўрдим.

Юртимиз ва дунёда тарвуз мавсуми авж паллага кирди. Кексаю ёш бу неъматни маза қилиб ейди. Тарвузнинг фойдали жиҳатлари ҳақида фактлар бисёр — кўзни равшанлаштириш, мия фаолиятига ижобий таъсир қилади.

Авалло, уни дастурхонга тортишга тўхталаск. Тарвуз одатда икки усулда, карч қилиб лаган ё ликопчага солинган ҳолда, ёки

"қоса" қилиб пўчоғининг ўзида тортилади. Ҳар икки усулнинг ўз ўрни, ўз ишқибозлари бор. Карча ҳамма ўз қўлига олиб, тартиб билан еса, қоса қилишда тагини қириб ейишнинг завқи бошқача.



четини, оқ қисмини имкон қадар олиб ташлаш, лаганга туширмаслик лозим, барбериб ейилмайди. Шунингдек, ҳар бир булакни тенг тақсимлашга уришиш, тартиб билан жойлаштириш керак.

ажратиб кесиш даркор бўлади. Энди энг асосийси, тарвуз ейиш одоби ҳақида:

Биринчиси ва энг муҳими, хоҳ карч қилиб кесилган, хоҳ қоса қилинган бўлсин, зинҳор, ҳеч қачон ейишни ўртасидан бош-

қарчининг пўчоқларини имкон қадар умумий тарвузлар турган товоққа қўйманг, алоҳида қўйганингизда ҳам тескари қилиб қўйинг, токи тишлоқларингиз кўринмасин;

Карчми, "қоса"ми, тарвуз ейишда шапиллатманг, лабларингиздан сув оқизманг, шошилманг. Вақти-вақти билан оғзингизни артиб туринг;

"Қоса" қилиб кесилган тарвуз одатда қошиқ билан қирилади. Қиришда эҳтиёт бўлинг, атрофдагиларга сувини сачратманг, ичишда ҳам имкон бўлса қоса ёки пиёлага қўйиб ҳаммага тенг бўлашинг.

Карчми ҳам, "қоса"ни ҳам чала еманг, лекин шу билан бирга оқ қисмига ҳам ўтиб кетманг. Ёқилми иштаҳа!

А. ЗОҲИДОВ тайёрлади

ҚОВУН

Нега энди? Ана турибди-ку, сўйиб евјеради-да. Янги келин, ўзи бунга уяланди-да, болам. Шунинг учун тилимлаб қўйсанг, тортинмайди.

Қиз меҳрибон онасидан яна бир чиройли таълим олди.

Содиқжон ИНОЯТОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ ТАШKЕНTСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир ҒАЙРАТ ШЕРАЛИЕВ

Қабулхона: (71) 233-64-95

Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.